

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» факультети

«Давлат молияси ва соликлар» кафедраси

«Жисмоний шахсларни соликқа тортиш » фанидан

**«ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД
СОЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ ВА БЮДЖЕТГА УНДИРИШ ТАРТИБИ»**
мавзусидаги

КУРС ИШИ

БАЖАРДИ: «Соликлар ва соликқа тортиш»
таълим йуналиши

3-курс СС-51 гурӯҳи талабаси
Рахматов Даврон

Кафедрага топширилган сана «_____» 2012 й

Ҳимоя қилинган сана «_____» 2012 й
_____ балл

Ҳайъат аъзолари: _____

Тошкент- 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини объектив зарурлиги, ўзига хос хусусиятлари ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида тутган ўрни	
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини иқтисодий моҳияти ва меъёрий-хуқуқий асослари	
3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўловчилар таркиби ва солиқ солиш обьектини аниқлаш тартиби	
4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича солиқ ставкаларининг табақаланиши ва соликдан белгиланган имтиёзларнинг амалдаги холатини таҳлили	
5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартиби	
6. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш	
ХУЛОСА	
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ҳаётнинг турли жабхаларидаги кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, туб таркибий ўзгаришлар жараёни нақадар салмоқли натижалар берадётгани 2010 йилдаги ривожланиш якунлари мисолида яна бир бор ўз исботини топди. Бу борада эришилган аниқ ютуқ ва муваффақиятларнинг чуқур ва атрофлича таҳлили, шу асосдаги муҳим амалий хулосалар, келгусида эътибор қаратишимиз лозим бўлган долзарб масалалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган мажлисида сўзлаган маърузасида ўзининг ҳар томонлама хаққоний ифодасини топди. Унда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ўзига хос модели, унинг асосий тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, ҳар томонлама пухта ўйланган мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация килишнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши жаҳон молиявий-иктисодий инқизоризининг республикамиз иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимида салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини бергани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими давлатимиз ривожланишининг барча босқичларида давлат бюджетига зарур молиявий ресурсларнинг келиб тушишиши, ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлаш бўйича ўз олдида турган вазифаларни бажариб келмоқда. Солиқ тизимини бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш шароитида солиқ соҳасидаги ислоҳатларни амалга оширишда солиқ муносабатларини такомиллаштириш, жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш ва уларнинг амал қилиш механизмини илмий таҳлил қилиш муҳим ва долзарб муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Давлат ва жамият тараққиётининг тадрижий ривожланиш босқичларида солиқлар ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш муносабатлари узлуксиз равишда такомиллаштириб борилган. Ушбу солиққа тортиш муносабатлари тизимини ҳозирги кун талаблари даражасида янада самаралироқ ташкил этиш ва амалга ошириш, жисмоний шахслар томонидан жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидағи айрим элементлар механизмини мақбул шартлар асосида қабул қилиш заруриятини белгилайди. Солиқлар ва солиққа тортиш муносабатларидаги мана шундай муҳим элементлар механизмидан бири, бу жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадларини солиққа тортиш механизмидир.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам унинг фуқаролари, хорижий мамлакатлар фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар, яъни жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва бошқа йиғимларнинг тармоқли тизими мавжуд бўлиб, бу даромадлар давлат бюджетининг асосий манбаларидан саналади.

2012 йил 19 январь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидағи маърузасида изчиллик билан амалга оширилаётган солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилаётганлиги эътироф этилди «Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2011 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирилганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийиб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур.

2011 йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар микдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айни пайтда шунга эътибор беришингизни сўрайман аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари микдорини жадал ошириш, улар

қўллаб қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гурухлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадларидағи фарқ коэффиценти 21,1 баробаридан 8,3 баробарига қисқарди. Айтиш керакки, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффицент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даржаси ва сифати ортиб бораётганинг яқъол тасдиғидир.

Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу, аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси даромадларининг кўпайишига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир¹.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида солиқ тизимини ислоҳ килиш давлатнинг солиқ сиёсатига чамбарчас боғлиқ бўлиб, жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш ва ҳуқуқий асосларини чуқур ўрганиш ҳамда ривожланган мамлакатлар илғор тажрибаси асосида солиқ тизимини ва жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича чуқур илмий изланишлар олиб борилиши лозим.

Солиқ соҳасидаги ислоҳатларни амалга оширишда солиқ муносабатларини тартибга солища жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишнинг таркибий тузилиши, ҳуқуқий асослари, жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш муҳим ва долзарб муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини объектив зарурлиги, ўзига хос хусусиятлари ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида тутган ўрни.

Жисмоний шахсларни солиққа тортишда жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқларнинг энг асосийси даромад солидидир. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ давлат бюджетига ўз вақтида тўлиқ келиб тушиши давлат олдида турган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа вазифаларни муваффақиятли бажаришга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоялашга хизмат қиласди.

Мамлакатимизда юз берган иқтисодий ўзгаришлар, бозор муносабатларига асосланган жамиятга ўтиб борилиши даромадга жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқнинг белгиланиши ва тўпланишида ҳам жиддий ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. Мазкур ўзгаришлар ва ислоҳатларнинг барчаси 2007 йил 23 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2007 йил 30 ноября Сенат томонидан маъқулланган, 2007 йил 25 декабря Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов томонидан тасдиқланган 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексида ўз ифодасини топган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортишда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг объектив зарурлигини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун-коидалари.

Давлатнинг бажарадиган функциялари ва вазифалари кўп ва бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатларига мос келмайдиган вазифалар йўқола борса, янги вазифалар пайдо бўла бошлайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги вазифалари пайдо бўлади. Буларга бизнинг республикамизда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини (саноатда, қишлоқ хўжалигига, молия тизимида) ташкил қилиш киради. Шу ерда давлат кучли социал сиёсат

¹ И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз таракқиётини янги боскичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришининг устувор ўйналишларига багишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги матбузаси. – “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь (№ 14) 2-бет

тадбирларини амалга ошириш учун пенсионерлар, нафақахўрлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни кўпроқ маблаг билан таъминлаш зарурлигини англаб чекланган товарлар баҳосидаги фарқни бюджет ҳисобидан қоплайди ва уларга бошқа харажатларни давлат ҳисобидан амалга оширади, маҳаллаларда кам таъминланганларга моддий ёрдамлар ташкил этади. Шу билан бирга, Ўзбекистон давлати жамият аъзолари осойишталигини саклаш мақсадида ўзининг мудофаа қобилиятини саклаб ва мустаҳкамлаб туришга, техника ва ўқ-дориларга ҳам маблағлар сарфлайди, қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигини саклаш, мамлакатда тартиб интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблаг йўналтиришга мажбур. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни ҳам объектив зарур қилиб қўяди.

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағлар шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар ҳам амал қиласди. Маълумки, жамият иқтисодий ҳаёти жуда мураккаб иқтисодий ҳодисалардан иборат. Ана шу мураккаблик бевосита солиқларга ҳам тегишлики, бу ҳолат солиқларни иқтисодий моҳиятини теран англашни тақозо этади.

Солиқлар молиявий ресурсларни давлат ихтиёрида тўпланиб боришини таъминлайди, бу ресурслардан иқтисодий ривожланишнинг умумдавлат, минтақавий вазифаларни ҳал қилиш, ишнинг самарадорлиги ва сифатини рағбатлантириш, ижтимоийadolat тамойилларидан келиб даромадларни тартибга солиши учун фойдаланилади.

Давлат солиқларни давлат бюджетини шакллантириш учун амалга киритади, солиқлар бирорта аниқ харажатларни қоплаш мақсадига эга эмас, бу айрим турдаги даромадлардан тушадиган тушумлардан амалга ошириладиган харажатлар уларга боғлиқ бўлиб қолишини олдини олиш зарурати билан асосланган. Бироқ бир қанча ҳолларда умумий солиқлар билан бирга мақсадли солиқлар ҳам белгиланади, уларни амалга киритилиши иқтисодий фаолиятда ижобий рол ўйнаши мумкин.

Давлат бюджети бу давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори акс эттирилади.

Кўпгина давлатларда давлат бюджети даромадларини асосий қисмини солиқлар ва йиғимлар ташкил этади. Масалан, АҚШ да давлат бюджетининг 91 фоизи, Францияда 96 фоиз, Россияда 92 фоиз, Германияда 82 фоиз ва Ўзбекистон Республикасида ўртача 95 фоизни солиқлар ташкил этади.

Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар таркибида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг салмоғи анча юқоридир. Давлат бюджетининг даромадлар қисмидаги улуши юқори бўлган сабабли ҳам, бу солиқ тури солиқ тизимида муҳим ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва ахолига солиқ имтиёзларининг ошириб боришига қарамай амалга оширилган изчил солиқ сиёсатининг самараси ўлароқ, давлат бюджети даромадларидағи солиқлар ҳажмининг ошиб боришига эришилди.

1- жадвал

Давлат бюджети даромадлари таркиби

Даромадларнинг турлари	2010 й.		2011 й.		2012	
	млрд. сўм	%	млрд. сўм.	%	млрд. сўм.	%
Мақсадли фондларсиз даромадларнинг турлари	13116,4	100	16178,5	100	20614,1	100
1. Бевосита солиқлар	3420,6	26,0	4238,7	26,2	5196,4	25,2
2. Билвосита солиқлар	6973,8	53,3	8656,8	53,5	11187,8	54,2
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	1974,1	15,0	2308,9	14,3	2746,4	13,3
4. Бошқа даромадлар	747,8	5,7	974,1	6,0	1483,5	7,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдикى давлат бюджетига бевосита солиқлардан тушум 2010 йилда 3420,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда ушбу солиқлардан тушум 4238,7 млрд. сўмни ташкил қилган. Уларнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи 2010 йилда 26,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 26,2%ни ташкил этган. Бевосита солиқлар тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслардан тўғридан-тўғри ундириладиган солиқларни ўз ичига олиб кейинги йилларда ушбу туркум солиқлар бўйича солиқ ставкаларининг пасайтирилганига қарамасдан, солиқ базасининг кенгайиши ҳисобига давлат бюджети даромадлари ҳам ортиб бормоқда.

Давлат бюджети ортиги билан бажарилди, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилди. Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляцияни кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолишга эришилди.³ (2-жадвал)

2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил етди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил етди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, ахолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди².

2-жадвал

Давлат бюджети камомади (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)⁴

Кўрсаткич лар	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Дефицит (-)	-1,0	-1,0	-0,8	-0,4	-0,4	+0,1	+0,5	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,3
Профицит(+)												

Таҳлил қилинаётган даврнинг якунларига қўра, 2009 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисмида тўғри солиқлар 2769,2 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиги 542,4 млрд. сўм, савдо ва умумий овкатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик тўлови 222,4 млрд. сўм, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик тўлови 256,0 млрд. сўм, жисмоний шахсларнинг даромад солиги 1281,6 млрд. сўм, юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айrim турлари бўйича олинадиган катъий белгиланган солик 108,6 млрд. сўм, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги 358,2 млрд. сўмдан иборат.

Давлат бюджети камомадини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ва уни инфляциясиз манбалар ҳисобидан чегаравий даражада молиялаштиришга амал қилиш иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришишга, инфляцияга қарши тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ва инфляцион жараёнларни бошқаришга олиб келди.

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадларини солиққа тортишда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бевосита (тўғри) солиқлар таркибида катта улушни ташкил этади (3-жадвал).

3-жадвал

Давлат бюджети даромадларининг ЯИМ даги улуши динамикаси⁶

T/P	Кўрсаткичлар	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Тўғри солиқлар	20,5	19,6	18,7	25,8	25,3	24,8	26,0	26,2
2.	Билвосита солиқлар	41,7	33,3	34,0	48,6	50,2	51,2	53,3	53,5
3.	Ресурс тўловлар ва мол-мулк солиги	6,5	12,1	12,6	18,3	17,1	17,5	15,0	14,3

Солиқ-бюджет сиёсатини амалга ошириш ва унинг иқтисодий ўсишига таъсирининг муҳим воситаси солиқлардир. Солиқ сиёсати истеъмол, ишлаб чиқаришга ва инвестицияларга бевосита

³ И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш- давр талаби» -Т.: Халқ сўзи, 2009 йил., 14 февраль, 16

² И.А.Каримов. «Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаронволигини янада юксалтиришдир» -Т.: Халқ сўзи, 2010 йил., 30 январ, 2-бет

⁴ <http://www.mf.uz> –Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

⁶ Усмонов Ш. “Бюджетнинг ўрта муддатли истиқболдаги стратегик устуворликлари”. “Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби” 2008 йил, 3-сон 14-бет.

таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда давлат бюджети даромадларининг 90 фоиздан ортиғи солик тушумлари ҳисобига шакланади.

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини иқтисодий моҳияти ва меъёрий-хуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солик дастлаб 1924-1925 йилларда шаҳар аҳолисидан даромад солиги олиниши лойиҳалаштирилди ва тўғри солик тури сифатида жорий этилди. Мустақилликдан олдинги даврларда аҳоли асосий даромадлари манбаи иш ҳақи бўлганлиги, иш ҳақи камлиги туфайли, аҳоли даромадларининг бир хиллиги ва табақалашмаганлиги туфайли жисмоний шахслардан олинадиган соликлар фуқаролар кўпчилик қатламлари манфаатларига дахл қилмас, прогрессив солик солиш таъсири сезилмас эди. Даромад солиги аҳоли даромадларининг 6-6,8 фоизини ташкил этарди. Солик бўйича асосий оғирлик корхоналар зиммасига юкландиган эди.

«Солик» тушунчаси ўзининг илдизлари билан асрлар ичра маълум бўлиб, давлат хазинасига ундириладиган хар хил тушумлар кўринишда бўлган. Қадимда давлатни молиялаштириш механизмлари пайдо бўлаётган бир даврда, соликлар давлатнинг пайдо бўлиши ва ундаги жамиятнинг синфларга бўлинишида муҳим иқтисодий муносабат сифатида юзага келган. Соликларнинг ҳозирги кундаги ўрни эса хуқуқий онг, иқтисод, давлат назорат тизимининг юқори даражадаги ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Жисмоний шахсларнинг даромадларини соликка тортиш илк бор қадимги Грецияда жорий этилган бўлиб, қадимги Грецияда соликка тортиш Ўрта Осиёда қабул қилинган соликка тортишдан фарқ килган. Қадимги Грецияда соликлар даромад солиги ва эҳсонлардан иборат бўлган. Даромад солиги даромаднинг ўндан ёки йигирмадан бири ҳажмидан ундирилган, мазкур маблағлар жамоат мақсадлари учун сарфланган. Грек шаҳри кенгаши бўлғуси йирик харажатлар қилиниши олдидан даромадларининг фоиз ажратмаларини белгилаган. Амалдаги соликка тортишнинг зиддиятли томони шунда эдики, Афинада озод фуқароларни бевосита соликка тортиб бўлмайди деб хисоблашган, чунки озод фуқаролар бевосита соликларни тўлаши керак эмас, улар кўнгилли равишда солик тўлашади деган фикр мавжуд бўлган, бу ҳолат фуқаролар ушбу тоифасининг имтиёзларидан бири деб хисобланган.

Жисмоний шахслар даромад солиги ҳозирги замон давлатларида мавжуд бўлган асосий соликлардан саналади. У XVIII-XIX асрларда аҳолининг турли табақалари даромад турлари ва миқдори ўртасида катта фарқлар юзага кела бошлаган пайтда пайдо бўлган. Жисмоний шахслар даромад солиғининг жорий этилиши солик ислоҳатлари билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатининг хуқуқий асослари давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб яратила бошлаган. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ти қонунда Ўзбекистон Республикаси бундан буён ўзининг мустақил молия-солик сиёсатини олиб бориши кўрсатилиб ўтилди. Давлатнинг солик сиёсати асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейин ва бозор муносабатлари ривожлана бориши билан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ҳам жамиятда юз бераётган ўзгаришларга, энг аввало даромадлар миқдори бўйича аҳолининг тез суръатлар билан табакалашиб бораётганлигига, тадбиркорликка кенг йўл очилиши туфайли даромадлар миқдори ва манбаларини кескин кенгайиб бораётганлигига, аҳамиятига, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини юзага келаётгани каби янги ҳодисаларга мослаша борди.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиги тўғрисида”ти Қонунда даромад миқдорига қараб прогрессив солик олиш, кўп даромад олувчи шахслардан кўп солик олингани ҳолда кам даромадли шахсларни, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, солик соҳасида енгилликлар беришга қаратилган йўл тутилди. Бу қонун қабул қилиниши соликларнинг хуқуқий асосини янада мустаҳкамлади ва вақт ўтиши билан иқтисодий ислоҳатлар ривожлана борган сари такомиллашиб борди.

Аммо жисмоний шахслардан соликлар олиш тўғрисидаги қонунларнинг кўплиги, бу соҳадаги қоидаларни турли қонун ҳужжатларида тарқоқ ҳолда эканлиги, айрим ҳолларда улар

ўртасида муайян зиддиятларни учраб туриши аҳоли учун муайян камчиликларни вужудга келтирас, айрим ҳолларда соликдан бўйин товлаш учун имконият яратар эди.

90-йилларнинг биринчي ярмида давлат молияси соҳасида ўта кескинлик хукм сурган пайтда солик тизими фискал вазифани бажарига йўналтирилган эди. Бу давр соликлар миқдорининг кўплиги солик ставкаларининг юқорилиги билан белгиланиб, жуда катта солик имтиёзлари ҳам кўлланилган. Солик тизимидағи муайян ўзгаришлар 1997-1998 йилларда кузатилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси амалга киритилиб, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган соликни ҳисоблаш механизми ва бюджетга тўлаш тартиби бўйича аниқ тушунарли ҳолатда хукукий асос яратилди.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти томон ривожланиши даражаси ривожланган мамлакатлар илғор тажрибасини тўлароқ ҳисобга олиш ҳамда солик қонунларини ихчамлаштириш, такомиллаштириш мақсадларида янги Солик Кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва умумхалқ муҳокамасидан кейин 1997 йил 24 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан амалга киритилди. Солик Кодексининг қабул қилиниши солик сиёсатини давлат томонидан амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. 2000 йилдан бошлаб солик сиёсатини амалга оширишда янги даврни ажратиш мумкинки, у солик тизимини Солик Кодекси доирасида тизимлаштириш ва унинг эркинлаштирилиши билан боғлиқ. Жисмоний шахслар даромад солиғининг энг юкори ставкаси 45 дан 22 фоизга камайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси илк бор 1998 йил 1 январдан амалга киритилган бўлиб, аввал амал қилган ва солик солиш жараёнини бошқарадиган меъёрларни тизимлаштириш имконини берди ва ўша пайт учун ягона қонунчилик базаси яратди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди, улар иқтисодиётни эркинлаштириш, солик қонунчилиги ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш механизми, бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилди. Шунингдек, улар 1998 йил 1 январдан амалга киритилган Солик Кодекси муттасил бойитиб борди. Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жадаллашуви, хусусий секторнинг кенгайиши ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларнинг хукукий саводхонлигининг ўсиши Солик Кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиши заруратини келтириб чиқарди.

Шу муносабатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг кўшма йигилишида белгилаб берган устуворликларга мувофиқ, Республикамиз ҳукумати 2005 йилда Солик Кодекси лойиҳасини устида ишлашни бошлади. Ушбу хужжат 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирди. Янги таҳрирдаги Солик Кодекси амалдаги кодексни сифат жиҳатидан такомиллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек солик солиш масалаларини тартибга солувчи барча амалдаги меъёрлар ва низомларни такомиллаштириш ва тизимлаштириш йўли билан ишлаб чиқилди.

Мазкур Солик кодекси тўғри таъсир қилувчи қонун хужжати бўлиб, эски таҳрирдаги олдинги Солик кодексидан сезиларли фарқ қиласди. Бу шуни англатадики, айнан шу Солик кодекси олдин амалдаги кўп сонли йўриқномалар, тартиблар ва низомлар ўрнига солик солиш тизимини меъерий бошқариш вазифасини бажаради. Янги Солик кодексининг бевосита таъсир кўрсатувчи хужжатида сифатида жорий этилиши солик қонунчилигининг барқарорлигини ва аниқлигини таъминлаш орқали иқтисодиётни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Жисмоний шахсларни соликка тортиш тизимида марказий бўлиб жисмоний шахсларни даромадларини соликка тортиш ҳисобланади. Юртимиз ва хорижий мамлакатларнинг иқтисодиёти тарихий ривожланишида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қўпдан буён анънавий солик бўлиб келмоқда. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасининг пасайиши, яъни энг юкори солик ставкаси 45% дан 22% гача туширилиши ва доимий равишида соликка тортиш базасининг кенгайиши билан олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда солик тўлаш манбасига тўлиқ асосли равишида фақат ишчи ва хизматчилардан ундириладиган даромад солигигина эмас, балки у билан бирга мулкий даромадлар ва бошқа фаолиятдан олинган даромадлари ҳам кирмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини самарали муҳофаза қилишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар ҳамда юкори иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари аҳоли фаровонлигини оширишини таъминламоқда.

Аҳоли реал даромадларининг ошишида асосий омил бўлиб, макроиктисодий шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда ошиши, инфляциянинг сезиларли даражада пасайганлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайганлиги ҳисобланади.

Аҳоли даромадлари асосан пул даромадлари ва натурал шаклдаги даромадлардан ташкил топади. Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари аҳоли пул даромадларининг салмоғи сезиларли даражада ошиб, унинг таркибий тузилиши ҳам такомиллашиб боради.

Иш ҳақи ва аҳоли реал даромадларининг аҳамияти даражада ўсиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши билан бир қаторда ташқи савдо ва экспорт соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигига ҳам боғлиқ. Аҳолининг реал даромадлари 2009 йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилда 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди³.

2010 йилда ҳам иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда. Аҳолининг узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган саноат товарларини харид қилиш бўйича харажатлари сезиларли даражада ўсади⁴.

Бундай шароитда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориши аҳамият касб этади. Чунки, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Мазкур масалани ҳал этишда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш, дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятларидан янада самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш шароитида солиқ муносабатларини такомиллаштириш, жумладан, жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш ва унинг иқтисодий моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатидан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

2007 йил 23 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2007 йил 30 ноября Сенат томонидан маъқулланган, 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов томонидан тасдиқланган 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексининг 167-моддасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги тўловчilarга қўйидагича таъриф берилган:

«Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчilarдир»¹⁴

Шунингдек, 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексининг 172-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар қўйидагича баён этилган “Меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади”¹⁵

Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тушумлари миқдорига, тўловчilar доирасига, солиққа тортиладиган даромад турларига кўра, энг аҳамиятга молик тўғри солиқлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахслар деб эътироф этилади.

³ И.А.Каримов. «Асосий вазифамиз-ватанимиз тараккиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» -Т.: Халқ сўзи, 2010 йил., 30 январ, 2-бет

⁴ И.А.Каримов. «Асосий вазифамиз-ватанимиз тараккиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» -Т.: Халқ сўзи, 2010 йил., 30 январ, 2-бет

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.-Т.: Адолат, 2011 й.- 154- бет

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.-Т.: Адолат, 2011 й.- 158- бет

Мамлакатимизда аҳолининг иш ҳақи шаклидаги даромадларини солиқقا тортиш 2007 йил 23 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2007 йил 30 ноября Сенат томонидан маъқулланган, 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов томонидан тасдиқланган 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги “Ўзбекистон Республикасининг йиллик асосий макроиқтисодий қўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорлари асосида олиб борилади.

3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўловчилар таркиби ва солик солиш обьектини аниқлаш тартиби.

Президентимиз 2011 йил якунларини баҳолашда аввало мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этиш зарурлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий ўйли – бу миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва юксалишга эришишdir. Аҳоли фаровонлигининг ошиб бориши ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ. Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ ва аҳоли жон бошига кўпайиши ҳамда иқтисодий ресурслар харажатларнинг ҳар қайси бирлиги ҳисобидан ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида ўз ифодасини топади. Иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажми ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ микдорининг ортиши асосида ўлчаш унинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакатнинг иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши асосида ўлчаш, унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ микдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар натижасида 1996 йилдан бошлаб олдинги йилга нисбатан, 2001 йилдан бошлаб эса 1991 йилдаги даражага нисбатан ЯИМ ҳажмининг барқарор равишда ўсишига эришилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида юзага келган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди.

Солик солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги тўловчилардир.

Жисмоний шахсларнинг – Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига солик солинади, бундан Ўзбекистон Республикасидаги солик солинадиган доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган манбалардан олинган Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадлари мустасно.

Жисмоний шахсларнинг қуидаги даромадлари солик солиш обьектидир:

1. Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари.

2. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган, қатъий белгиланган солик солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг солик солиш обьекти бўлмайди.

Солик солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, солик солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Агар солик тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солик солинадиган базани камайтирамайди.

Жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар амалда олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Жисмоний шахсларнинг жами даромадига қуидагилар киради:

- 1) Мехнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар.
- 2) Мулкий даромадлар.

3) Моддий наф тарзидаги даромадлар.

4) Бошқа даромадлар.

Меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қўйидагилар ҳам киради:

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар жумласига қўйидагилар киради:

1) Йиллик иш якунлари бўйича мукофот, бир йўла бериладиган мукофотлар.

2) Юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги қоидасида назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар.

3) Касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар.

4) Таътилга ҳар йилги қўшимча ҳақлар.

5) Кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар.

6) Рационализаторлик таклифи учун тўлов.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жумласига қўйидагилар киради:

1) Табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар.

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, заарли, ўта заарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар.

3) Технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар.

4) Кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирганлик учун устамалар ва бошқа шу каби олинган суммалар.

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлашга қўйидагилар киради:

1) Конун хужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йиллик) ва қўшимча таътилларга ҳақ тўлаш, фойдаланилмаган навбатдаги (ҳар йиллик) ва қўшимча таътиллар учун компенсация, ўсмирларнинг имтиёзли соатларига, оналар болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш.

2) Асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар.

3) Донон ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш.

4) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш.

5) Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи ва бошқа шу каби тўланадиган тўловлар.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига қўйидагилар киради:

1) Фоизлар.

2) Дивиденклар.

3) Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар.

4) Жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар.

5) Саноат мулки обьектларига берилган патент (лицензия) сотилган тақдирда, патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахс сотишдан олган даромад.

6) Роялти.

7) Қимматли коғозларни реализация қилишдан тушган даромадлар ва юридик шахсларнинг устав фондида (устав капиталидаги) улушкини (пайини) реализация қилишдан олинган даромадлар.

8) Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.

Солиқ тўловчи томонидан моддий наф тарзида олинадиган даромадлар қуидагилардир:

1) Юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳукуқларни тўлаш.

2) Совғалар, текин берилган, шу жумладан ҳадя қилиш шартномаси асосида берилган товарлар, солик тўловчининг манфаатларини кўзлаб, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати.

3) Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи ва шу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳисоблаб чиқарилган қиймати ўртасидаги салбий тафовут.

4) Қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси.

5) Жисмоний шахснинг юридик шахс олдидағи қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари.

6) Иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Солиқ тўловчи юридик шахсдан товарлар (ишлар, хизматлар) олган тақдирда, ушбу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати уларни олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига қуидагилар киради:

1) Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар.

2) Стипендиялар.

3) Жисмоний шахсларга хайрия ва экология жамғармаларининг маблағларидан кўрсатиладиган моддий ёрдам.

4) Донорлик учун пул мукофотлари.

5) Алиментлар.

6) Ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, ипак курти, чорвачилик, асаларичилик ва дехқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар.

7) Жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган молмулк ёки мулкий ҳукуқлар қиймати.

8) Мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари.

9) Ютуқлар.

10) Грантлар, шу жумладан чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар.

11) Жамғарив бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғарив бориладиган пенсия тўловлари.

12) Яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар.

13) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга teng баҳодаги эсадалик совғаларининг қиймати.

14) Халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти.

15) Ходим билан меҳнат шартномаси алоҳида асос бўйича тугатилган тақдирда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий ёрдам сифатида бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар.

4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ ставкаларининг табақаланиши ва соликдан белгиланган имтиёзларнинг амалдаги холатини таҳлили.

Ўзбекистонда эришилаётган иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Мамлакатимизда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш иқтисодий ислоҳотлар ва давлат иқтисодий сиёсатининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, изчил солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилиши, солиқ юкини камайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши солиқ тўловчилар учун ишлаб чиқаришни кенгайтиришга шароит яратилиши, ишлаб топилган ва уларнинг ўзларида қолдирилаётган маблағларнинг реинвестиция қилиниши оқибатида қўшимча солиқ объектининг пайдо бўлиши ҳисобидан нафақат бюджетдаги йўқотишлар ўрнининг қопланиши, балки солиқ тўловчиларнинг қўшимча даромадларга эга бўлиб, ишлаб чиқариш имкониятининг ошишига олиб келади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, аҳолининг реал даромадларини ва истеъмол талабларини оширишда солиқ юкини камайтириш чораларининг мунтазам равишда кенг қўлланилаётгани ўз натижаларини бермоқда.

Солиқ тизимидағи ислоҳатларнинг энг эътиборли жиҳатларидан бири жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳакидан тўланадиган солиқ ставкаларининг мунтазам равишда пасайтирилиб боришидир.

1998-1999 йилларда жисмоний шахслар даромадларидан солиқ беш поғонали 15%, 25%, 35%, 40% ва 45% шкала бўйича олинган бўлса, 2001-2009 йиллардан бошлаб учта поғонали шкала бўйича ундирилади. 2008 йилдан жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари кўйи ставка 13%, ўрта ставка 18% ва юқори ставка 25% гача белгиланди.

2000 йилда жисмоний шахслар даромадларидан солиқ тўрт поғонали 15%, 25%, 36% ва 40% шкала бўйича олинган бўлса, 2001 йилдан бошлаб учта поғонали шкалага ўтилди. Бунда энг паст ставка 2000 йилга солиштирилганда 15 фоиздан 12 фоизгacha, ўртacha ставка 25% дан 17% гача, юқори ставка эса 40% дан 22% гача пасайтирилди (4-жадвал).

4-жадвал

2001-2012 йилларда даромад солиғининг ставкалари (фоизда)

Энг кам ойлик иш ҳақининг микдори	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
1 баробар	12	13	13	13	13	13	13	13	12	11	10	9
2 баробар												
3 баробар												
4 баробар												
5 баробар	25	23	22	21	21	20	18	18	17	17	16	16
6 баробар												
7 баробар												
8 баробар												
9 баробар	36	33	32	30	30	29	25	25	22	22	22	22
10 баробар												
10 баробаридан юқори												

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сон қарорига мувофиқ 2012 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқнинг кўйи поғонадаги ставкаси 1 фоизга камайтирилди. Бунда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқнинг

суммаларини камайтириш ҳисобига фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига йўналтириладиган мажбурий ойлик бадалларни ўтказишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сон қарорига мувофиқ 2012 йилда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари қуидаги миқдорларда белгиланган:

5-жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари²¹

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 9 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	Беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган суммадан 16 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз

Жисмоний шахсларнинг қуидаги даромадларига солиқ солинмайди:

- 1) Моддий ёрдам суммалари.
- 2) Йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари.
- 3) Ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганини учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар.
- 4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун хужжатларида белгиланган суммалар доирасида.
- 5) Вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса.
- 6) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулқдори, фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.
- 7) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсадлик совғаларининг қиймати.
- 8) Халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти.
- 9) Саноат мулки обьектларига ва селекция ютуғи патентига патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентни (лицензияни) уларнинг амал қилиш муддати доирасида.
- 10) Донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар.
- 11) Жисмоний шахсларга хусусий мулк хуқуки асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар, амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида олинган мол-мулкни сотишдан тушадиган даромадлар бундан мустасно.
- 12) Уй хўжалигига, шу жумладан дехқон хўжалигига етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва дехқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сон қарори 8-илова

13) Халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати.

14) Юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати.

15) Жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиrolар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (хуқукий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно.

16) Давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар.

17) Депозит сертификатлар бўйича даромадлар, тижорат банкларидағи омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар.

18) Халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фонdlарида, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг хulosаси бўлган тақдирда, юридик шахсадан – грант олувчидан олган грант суммаси.

19) Фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари, шунингдек дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган қўшимча акцияларнинг қиймати ёки ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўналтирилганда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлар.

20) Мехнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиши нафақалари, бундан вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг bemor аъзосини парваришлиш нафақалари) мустасно, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари.

21) Олинган алиментлар.

22) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг суғурта бўйича оладиган суммалари.

23) Таълим муассасаларида ўқиётганларга тўланадиган, уларга қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда шу муассасалар томонидан тайинланадиган стипендиялар.

24) Уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари.

25) Давлат пенсиялари.

26) Давлат пенсияларига устамалар.

27) Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари.

28) Солиқ солиниши керак бўлган ва мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иш ҳақининг ҳамда бошқа даромадларининг суммалари.

29) Юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига – юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

30) Жисмоний шахсларнинг – ёш оила аъзолари иш ҳақининг ва солиқ солинадиган ҳамда якка тартибда уй қуриш, уни реконструкция қилиш ва олиш ёки кўп квартирадаги уйни реконструкция қилиш ва олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтириладиган бошқа даромадларининг суммалари.

31) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари

Солиқ солишдан қуйидаги жисмоний шахслар тўлиқ озод қилинади:

1) Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошликлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, – Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича.

2) Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, – Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича.

3) Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, – ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича.

4) Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, – ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича.

5) Халқаро ноҳкумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари – агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича.

6) Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошликлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йигинларига чакирилган ҳарбий хизматга мажбурлар – хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича.

7) Прокуратура органларининг даража унвонларига эга бўлган ходимлари – уларнинг хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан олган даромадлари бўйича.

8) Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар – ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Қуйидаги жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари микдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941–1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажаришда яралангандиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар.

2) Хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, 1941–1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни химоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг

қатнашчилари, 1941–1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг сабиқ ёш тутқинлари.

3) Ленинград шаҳрида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача қамал даврида ишлаган фуқаролар.

4) Ички ишлар органларининг бошликлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажаришда яралангандиги, контузия бўлганлиги ёки шикастлангандиги оқибатида ногирон бўлиб қолганлар.

5) Болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гурӯҳ ногиронлари.

6) Ўн ва ундан ортиқ боласи бор аёллар.

7) Сабиқ ССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини бажариш пайтида яралангандиги, контузия бўлганлиги ёхуд шикастлангандиги оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари.

8) Хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўкув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар.

9) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатида жабрланганлар.

10) Икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар.

11) Икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.

12) Болалигидан ногирон бўлган, доимий даромадларни талаб қиласидан фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири.

Имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар календарь йили давомида вужудга келган тақдирда, имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан қўлланилади.

Жисмоний шахсларнинг қўйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солинади:

-баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффициентлар бўйича қўшимча тўловлар тариқасида олинган даромадларга. Бунда чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иклим шароити нокулай ҳудудларда ишлаганлик учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақига коэффициентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммаси ҳисоблаш пайтидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида белгиланади.

-корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик қишлоқ ҳўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

Жисмоний шахснинг – Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган, доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига манбада чегирмаларсиз қўйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

-дивиденdlар ва фоизларга – 10 фоиз.

-белгиланадиган ҳалқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинадиган даромадларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) – 6 фоиз.

-интеллектуал мулк обьектларига бўлган мулкий ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказганлик учун пул мукофоти, ижара бўйича даромадлар, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга шартномалар бўйича олинган бошқа даромадларга – 20 фоиз.

Курс ишимизнинг бу режасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ ставкаларининг табақаланиши ва солиқдан белгиланган имтиёзларнинг амалдаги холатини таҳлилини кўриб чиқдик. Кейинги саволида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартибини кўриб чиқамиз.

5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартиби.

Календарь йил солиқ даври бўлиб, йил чораги даромад тўлаш манбаидан жисмоний шахсларнинг даромад соликларини ушлаб қолувчилар учун хисобот даври хисобланади.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти юридик шахслар, фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳамда чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари зиммасига юклатилиади.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларга қўйидагилар киради:

- 1) Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари.
- 2) Жисмоний шахсларнинг бир марталик ишларни бажаришдан оладиган даромадлари.
- 3) Жисмоний шахсларнинг дивиденdlар, фоизлар, пул мукофотлари тариқасида олган даромадлари.
- 4) Жисмоний шахсларнинг бепул берилган акциялар ёки юридик шахслар мол-мулкининг улуши тариқасидаги даромадлари.
- 5) Ўзбекистон Республикаси норезидентларига тўланадиган даромадлар.
- 6) Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни юридик шахсга ижарага беришдан оладиган даромадлари.
- 7) Роялти.
- 8) Жисмоний шахсларнинг танловлар ва мусобақалар якуnlари бўйича совринлар, ютуқлар тариқасида оладиган даромадлари.
- 9) Юридик шахс – грант олувчи томонидан жисмоний шахсга бериладиган грантларнинг суммалари.
- 10) Жисмоний шахсларга яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун юридик шахслар томонидан тўланадиган даромадлар.
- 11) Жисмоний шахсга юридик шахс томонидан моддий наф тариқасида тўланадиган даромадлар.

Тўлов манбаида солиқ солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиқкан ҳолда солиқ агентлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ агентлари солиқ тўловчининг даромадларидан ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини мазкур даромадлар ҳақиқатда тўланаётганда ушлаб қолишлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг ҳисобланган суммасини солиқ тўловчидан ушлаб қолиш солиқ агенти солиқ тўловчига тўлаётган ҳар қандай пул маблаглари ҳисобидан, мазкур пул маблаглари ҳақиқатда солиқ тўловчига ёки унинг топшириғига биноан учинчи шахсларга тўланаётганда амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши учун жавобгарлик даромад тўлаётган солиқ агентининг зиммасида бўлади. Мазкур солиқ суммаси ушлаб қолинмаган тақдирда, солиқ агенти ушлаб қолинмаган суммани ҳамда у билан боғлиқ пеняни бюджетта тўлаши шарт.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш ушбу бўлимда белгиланган солиқ солинадиган база ҳамда ставкалардан келиб чиқкан ҳолда даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Ўз ходимларига моддий ёрдам қўрсатган ва қимматбаҳо совгалар берган солиқ агентлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ даврининг охирида амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқкан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади.

Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс даромадлар тўғрисида декларация топширган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ даврининг охирида амалда бўлган энг кам иш ҳаки миқдоридан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳаки ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инобатга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўлов амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ўттиз кун ичида ёзма равища маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган жисмоний шахс бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадлар тўлаётган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини имтиёзларни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қоладилар.

Солиқ агентлари иш ҳаки тўлаётганда жисмоний шахснинг талабига биноан унга даромадларининг суммалари ва турлари ҳақида, шунингдек жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома беришлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг якуний суммаси олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва ушлаб қолинган солиқ суммалари тўғрисида тақдим этилган декларациянинг маълумотлари бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ агентлари:

1) Солиқ даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларида даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида, асосий иш жойи бўйича даромадлар олган жисмоний шахслар бундан мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт, унда қуйидагилар акс эттирилади:

1. Солиқ тўловчининг – жисмоний шахснинг идентификация рақами.
2. Солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш манзили.
3. Ўтган солиқ даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси.
4. Солиқ агентининг идентификация рақами.
5. Солиқ агентининг номи, жойлашган ери (почта манзили).

2) Йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунига қадар, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклда тақдим этиши шарт.

Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетта солиқ агенти томонидан қўйидаги муддатларда тўланади:

-пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вактда.

-тўлов натура ҳолида амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичida, агар бундай тўловга қонун ҳужжатларида рухсат берилган бўлса.

Агар юридик шахснинг банк ҳисобварағида иш ҳақини тўлаш ва бир вактнинг ўзида ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқларни бюджетта ўтказиш учун маблағлар етарли бўлмаса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги банк ҳисобварағидаги қолдик маблағларга мутаносиб суммада бюджетта ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ 1675-сон қарорига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаш учун прогрессив шкала (ставкалар) белгиланган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақининг жами суммаси).

Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетта тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммаси, фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги солинадиган даромадларидан 1% миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

2010 йилнинг декабрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ҳисобкитоби

Январь-декабрь ойлари учун энг кам иш ҳақи (ЭКИХ)²² миқдори $494\ 355$ ($37\ 680 + 37\ 680 + 37\ 680 + 37\ 680 + 37\ 680 + 37\ 680 + 45\ 215 + 45\ 215 + 45\ 215 + 49\ 735$) сўмга teng.

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
2966 130 сўмгача ($494\ 355 \times 6$)	Даромад суммасининг 11 фоизи
2966 131 сўмдан $4943\ 550$ сўмгача ($494\ 355 \times 10$)	$326274,3$ сўм + 2996 130 сўмдан ортиқ сумманинг 17 фоизи
4943 551 сўм ва ундан юқори	$662435,7$ сўм + $4943\ 550$ сўмдан ортиқ сумманинг 22 фоизи

1-ВАЗИЯТ. Бир ойда олган даромадлари ЭКИХнинг олти бараваридан кам бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ҳисоб-китоби.

Жисмоний шахснинг январь-июль ойларидаги иш ҳақи миқдори ҳар ойда 200 000 сўмга, августан ноябрь ойига қадар 240 000 сўмга teng бўлса, декабрь ойида эса 265 000 сўмгача ошган бўлса, у ҳолда январь-декабрь ойлари учун унинг жами даромади $2\ 625\ 000$ сўмни ($200\ 000 + 200\ 000 + 200\ 000 + 200\ 000 + 200\ 000 + 240\ 000 + 240\ 000 + 240\ 000 + 265\ 000$) ташкил қиласди. Солиқ қўйидаги тартибда ҳисоблаб ёзилади.

²² Президентнинг 2009 йил 16 ноябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида" ПФ-4152-сон Фармонига биноан 2009 йил 1 декабрдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори ойига $37\ 680$ сўм этиб, 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон Фармонига биноан 2010 йил 1 августан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори ойига $45\ 215$ сўм этиб, 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сон Фармонига биноан 2010 йил 1 декабрдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори ойига $49\ 735$ сўм этиб белгиланган.

Солиқ ставкалари жадвалидан кўриниб турганидек, жисмоний шахснинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги 2 966 130 сўмгача даромадига 11%лик ставка бўйича солиқ солинади. Тегишинча, январь-декабрь ойлари учун солиқ суммаси:

$$2\,625\,000 \times 11\% = 288\,750 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Январь-ноябрь ойларида 259 600 сўм солиқ ушланганлиги сабабли, декабрь ойи учун солиқ суммаси 29 150 сўмни (288 750 - 259 600) ташкил этади.

Январь-декабрь ойлари учун иш ҳақининг 1 фоизи²⁴ миқдоридаги шахсий жамғаривориладиган пенсия ҳисобварағига (ШЖБПХга) мажбурий ушланмалар суммаси:

$$2\,625\,000 \times 1\% = 26\,250 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Фуқароларнинг ШЖБПХга мажбурий бадаллари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ходимга ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан чегирилади²⁵. Январь-ноябрь ойларида ШЖБПХга 23 600 сўм миқдорида мажбурий бадаллар ушланганлиги боис, декабрь ойи учун ажратма миқдори 2 650 сўмни (26 250 - 23 600) ташкил этади. Бюджетга ўтказиладиган солиқ суммаси (2011 йил 5 январга қадар):

$$29\,150 - 2\,650 = 26\,500 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Мажбурий сугурта бадаллари ходим иш ҳақининг бутун суммасидан ундирилади. Унинг декабрь ойи учун суммаси:

$$265\,000 \times 4\% = 10\,600 \text{ сўмни ташкил этади}^5.$$

Солиқлар ва мажбурий ажратмалар ушланганидан кейин жисмоний шахсга тўланадиган даромад:

$$265\,000 - 29\,150 - 10\,600 = 225\,250 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

2-ВАЗИЯТ. Бир ойда олган даромадлари ЭКИҲнинг ўн бараваридан кам бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоб-китоби.

Жисмоний шахснинг январь-июль ойларида иш ҳақи миқдори ҳар ойда 300 000 сўмни, август-ноябрь ойларида 360 000 сўмни ташкил қилиб, декабрь ойида эса 395 000 сўмгача етди. Ўн икки ой учун жами даромад 3 935 000 сўмга ($300\,000 + 300\,000 + 300\,000 + 300\,000 + 300\,000 + 300\,000 + 360\,000 + 360\,000 + 360\,000 + 360\,000 + 395\,000$) тенг. Даромад солиғини ҳисоблаб ёзишда 17%лик ставка бўйича солиқ солинадиган даромад суммасини ва солиқни ҳисоблаб чиқариш керак:

$$(3\,935\,000 - 2\,966\,130) \times 17\% = 968\,870 \times 17\% = 164\,707,9 \text{ сўм.}$$

Солиқ ставкалари жадвалидан кўриниб турганидек, бир ойда ЭКИҲнинг 6 баравари миқдоригача даромаддан олинадиган солиқ миқдори 326 274,3 сўмни ташкил этади. 6 ЭКИҲгача бўлган ва ушбу миқдордан ошадиган даромадлардан олинадиган солиқ суммаларини қўшиш йўли билан жисмоний шахснинг январь-декабрь ойларида даромадларидан ушланадиган солиқ суммасига эга бўламиш:

$$326\,274,3 + 164\,707,9 = 490\,982,2 \text{ сўм.}$$

Январь-ноябрь ойларида 441 736,8 сўм солиқ ушланганлиги боис, декабрь ойи учун даромадлардан 49 245,4 сўм ($490\,982,2 - 441\,736,8$) ушланади.

Январь-декабрь ойлари учун ШЖБПХга мажбурий ушланмалар суммаси:

$$3\,935\,000 \times 1\% = 39\,350 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Январь-ноябрь ойларида 35 400 сўм миқдорида ШЖБПХга мажбурий бадаллар ушланганлиги боис, декабрь ойи учун 3 950 сўм ($39\,350 - 35\,400$) ушлаб қолиш керак.

Декабрь ойи учун бюджетга:

²⁴ Президентнинг ПҚ-1245-сон қарорига (8-шлова) мувофиқ, 2010 йилда фуқароларнинг ШЖБПХга мажбурий пенсия бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромади) солиқ солинадиган суммасининг 1%ини ташкил этади (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги "Фуқароларнинг жамғаривориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириши чора-тадбирлари ҳақида" 595-сон қарорининг 2-банди билан белгиланган)

²⁵ Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғаривориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиши ва тўлаши тартиби тўғрисидаги низомнинг (МВ, ДСҚ, МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 3-банди.

⁵ 2010 йил учун фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий сугурта бадаллари ставкаси ходимга ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи (даромад) суммасининг 4 фоизи миқдорида белгиланди (Президентнинг ПҚ-1245-сон қарори 3-банди).

$49\ 245,4 - 3\ 950 = 45\ 295,4$ сўм солиқ ўтказилади.

3-ВАЗИЯТ. Бир ойда олган даромадлари ЭКИХнинг ўн бараваридан кўп бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоб-китоби.

Жисмоний шахснинг январь-июль ойларида иш ҳаки микдори ҳар ойда 400 000 сўмни, август-ноябрь ойларида 480 000 сўмни, декабрь ойда эса 525 000 сўмни ташкил қиласди. Бир йил учун жами даромад $5\ 245\ 000$ сўмга ($400\ 000 + 400\ 000 + 400\ 000 + 400\ 000 + 400\ 000 + 400\ 000 + 480\ 000 + 480\ 000 + 480\ 000 + 525\ 000$) тенг. Солиқни ҳисоблаб ёзишда 22%лик ставка бўйича солиқ солинадиган даромад суммасини ва ундан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқарамиз:

$$(5\ 245\ 000 - 4\ 943\ 550) \times 22\% = 301\ 450 \times 22\% = 66\ 319 \text{ сўм.}$$

Солиқ ставкалари жадвалидан кўриниб турганидек, бир ойда ЭКИХнинг 10 баравари микдоригача даромаддан олинадиган солиқ микдори $662\ 435,7$ сўмни ташкил этади. 10 ЭКИХгача бўлган ва ушбу микдордан ошадиган даромадлардан олинадиган солиқ суммаларини қўшиш йўли билан жисмоний шахснинг 2010 йилги даромадларидан ушланадиган солиқ суммасига эга бўламиз:

$$662\ 435,7 + 66\ 319 = 728\ 754,7 \text{ сўм.}$$

Январь-ноябрь ойларида $656\ 026,8$ сўм солиқ ушланганлиги боис, декабрь ойи учун:

$$728\ 754,7 - 656\ 026,8 = 72\ 727,9 \text{ сўм солиқ ушланади.}$$

Январь-декабрь ойлари учун ШЖБПХга мажбурий ушланмалар суммаси:

$$5\ 245\ 000 \times 1\% = 52\ 450 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Январь-ноябрь ойларида $47\ 200$ сўм микдорида ШЖБПХга мажбурий бадаллар ушланганлиги боис, декабрь ойи учун $5\ 250$ сўм ($52\ 450 - 47\ 200$) ушлаб қолиниши керак.

Фуқароларнинг ШЖБПХга мажбурий бадаллари ҳисоблаб ёзилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан чегирилади, тегишинча декабрь ойи учун бюджетга ўтказиладиган солиқ суммаси:

$$72\ 727,9 - 5\ 250 = 67\ 477,9 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ти 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига мувофиқ, маблағларни бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида белгиланган нормативларга мувофиқ тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз микдорида;

2012 йилдан Фуқароларнинг бюджетдан ташкари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнат ҳаки даромадларидан мажбурий сугурта бадаллари ставкаси 5,5 фоиз микдорида тасдиқланган.

6. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш соҳасига инновацион технологияларни кенг жорий этиш натижасида кейинги йилларда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бунда макроиқтисодий тартибга солиш тизимининг муҳим воситаларидан бири бўлган давлат бюджетининг аҳамияти ғоят юксакдир. Амалга оширилган бюджет-солиқ сиёсати, биринчидан, иқтисодиётнинг истиқболли соҳа ва тармоқларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида муҳим фискал омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, амалдаги фаол ижтимоий сиёсат ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришда давлат бюджетига алоҳида вазифалар юклатилган бўлиб, ушбу вазифаларнинг самарали ижроси таъминланмоқда. Кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида давлат молияси тизими фаoliyatinning барқарорлиги кузатилди.

Республика раҳбарияти томонидан мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган кенг қўламли чоралар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг ташабbusлари билан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг 2009-2010 йиллар давомида инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан таъкидлаб ўтилганидек: “Мазкур дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иктисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам қўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди”⁶.

Бизга маълумки, Инқирозга қарши чоралар дастуридаги тадбирлар энг аввало, қуйидаги йўналишларда:

биринчидан, молия-банк тизимини мустаҳкамлаш;

иккинчидан, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлашга қаратилган эди.

Иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалаларига кенг эътибор берилди. Жумладан, мазкур йўналишда қўйидагиларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди:

1. Солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-куватлаш мақсадида тегишли чоралар кўриш;

2. Давлат томонидан қўллаб-куватлаш мақсадида корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлигини қайта кўриб чиқиш;

3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Мамлакатимизда солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-куватлаш мақсадида бир қатор қўшимча чоралар, хўжалик субъектларига кенг кўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди, жумладан жисмоний шахсларнинг микрофирма ва кичик корхоналарни таъсис этишдан олинадиган дивиденд тарзида даромадлари ҳамда юридик шахсларнинг капиталлаштиришга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун хисоб-китоб қилишга йўналтирилган маблағлари 5 йил муддатга солиққа тортишдан озод этилди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида жисмоний шахсларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Айнан мана шундай такомиллаштиришнинг изчиллик билан амалга оширилиши давлатчилигимизнинг мустақиллиги қарор топиши ва янада тараққий этишида ҳал қилувчи омилдир. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар аҳолидан ва жисмоний шахслардан ундириб олинадиган мажбурий тўловлардир. Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислоҳатлари ривожланган давлатлар илғор тажрибасига асосан амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асрларида мамлакатимизда аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар ҳам изчиллик билан амалга ошириш таъкидлаб ўтилди:

«Аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу эса эл-юртимизнинг фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишни кўзда тутадиган энг муҳим устувор мақсадларимизга тўла мос келади.

Табиийки, юқорида келтирилган мисол ва рақамлардан тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир қўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasидан

чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалиқ, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўйлур эди.


Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади»²³.

Президентимиз ўз асарларида мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича қўлга киритилган натижалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирлари саноат ишлаб чиқаришида нисбатан кўпроқ намоён бўлиши натижада унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилдаги 23,6 фоиз ўрнига 2010 йилда 24 фоизни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги салмоғининг 2010 йилда 17,5 фоизга қадар пасайиши эса мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибининг такомиллашиб, унда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англаради. Айни пайтда ялпи ички маҳсулот таркибидаги соф соликлар ҳиссасининг 7,0 фоизга қадар қисқарғанлиги мамлакатимиздаги солик юкининг тобора пасайиб бораётганлиги кўрсатади.

Хусусан, иктиносидиётдаги солик юкини янада қисқартириш ва солик маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича ислоҳотлар давом эттирилди. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

2008 йилда иктиносидиётдаги умумий солик юки (давлат бюджетининг мақсадли фонdlари билан биргаликда) 33,5%ни, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 2010 йилда 31,5%ни ташкил этди. 2011 йилда эса унинг ҳажми 30,1%ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Соликлар бўйича берилётган имтиёзлар натижаси ўлароқ, давлат бюджетининг ЯИМдаги улуши 2010 йилда 22,1%ни ташкил қилган. 2011 йилда ушбу кўрсаткич 20,9%ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23-мартдаги ПҚ-1306-сонли “2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги Қарорига мувоғиқ иктиносидиётнинг 12 та энг муҳим базавий тармоқлари бўйича 180 дан ортиқ корхоналарга солик тўловлари бўйича солик имтиёзлари ва преференциялар берилди. Натижада, тадбиркорлик субъектларининг соликдан бўшаган маблағлари ҳисобига ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик

²³ И.А.Каримов. «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» -Т.: Ўзбекистон, 2009.- 24 -бет

янгилаш бўйича инвестицияларни молиялаштириш учун мақсадли йўналтириш имкониятларини вужудга келтирмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва ахолига солик имтиёзларининг ошириб борилишига қарамай амалга оширилган изчил солик сиёсатининг самараси ўлароқ, давлат бюджети даромадларидағи соликлар ҳажмининг ошиб боришига эришилди.

Даромад солиғининг хорижий давлатлардаги тажрибасига мурожаат қиласдан бўлсақ унда қуидаги холатларни кўришимиз мумкин:

Жисмоний шахслардан олинадиган давлат даромад солиги Бельгияда ва чет элда олган резидентлар даромадиддан ва бельгияда олинган норезидентлар даромадидан ушланади. Солик мулқдан олинган тушумлар, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа манбалар ҳамда харажатлар суммаси, ижтимоий имтиёзлар чиқариб ташланган иш ҳақидан олинади. Солик прогрессив характерга эга бўлиб, даромад ҳажмига караб ўзгаради. Энг паст солик ставкаси 25% йиллик даромади 253000 франккача бўлса ва энг юқори ставка 55% даромад 2420000 франкдан ортиқча бўлганда қўлланилади.

Канадада аҳолини даромадига солинадиган солик қуидаги ставкалар билан аниқланади (6 - жадвал).

6-жадвал

Канадада аҳолини даромадига солинадиган солик қуидаги ставкалар белгиланган³¹

	Солик солинадиган даромад	Ставкани чегараси
1.	0 дан – 27500 гача	17%
2.	27501 дан – 55000 гача	26%
3.	55000 юқори	29%

Швейцарияда даромад солиги федерал тўғри соликлардан бири бўлиб жисмоний шахслардан олинади. Солиқка резидентлар ёки Швейцарияда фойда келтирадиган фаолият билан шуғулланувчи вақтинча резидентларни даромадлари тортилади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкаси прогрессив ҳисобланади.

Буюк Британияда даромад солиги йил давомида ундирилиб, соликка тортиш жараёни апрель ойининг 6 санасидан бошланади. Буюк Британияда ишчиларнинг кўпчилиги даромад солиғини PAYAS YOU EARN (PAYE) тизимида, яъни иш ҳақини олишлари билан тўлайдилар.

Иш ҳақидан олинадиган корхона даромад солиғини тўлов манбаи бўлиб ҳисобланади. Буюк Британияда жами даромад солиги тўловчиларни тахминан 26 миллион деб олсан, шундан 7,6 миллиони пасайтирилган ставкада 16,2 миллиони базавий ставкада 2,4 миллиони эса оширилган ставкада тўлайдилар. (7 -жадвал)

7-жадвал

Буюк Британияда даромад солиги бўйича ставкалар ва интерваллар (фунт стерлинг ҳисобида)³¹

Солик ставкаси тури	Солик ставкаси	Даромадлар интервали
Пасайтирилган ставка	20 фоиз	0-4300 гача
Базавий ставка	23 фоиз	4301-27100 гача
Оширилган ставка	40 фоиз	27100 ва ундан ортиқ

Шу билан бирга, Буюк Британия шахсий ва оилавий чегирмалар микдори ҳар молия йилида чакана нархлар индекси ўсишини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади. Бундан ташқари, жисмоний шахслар дарормадини соликка тортишда қўшимча имтиёзлар ҳам қўлланилади. (8-жадвал)

³¹ Шамсутдинов Ф.Ш., Шамсутдинова Ш.Ф., «Чет мамлакатлар солик тизими» – Тошкент.: ТДИУ.2007 й

³¹ С.Хакимов. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган соликлар.Бозор, пул ва кредит. 7-сон. 2006 йил 51-бет.

Буюк Британияда жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича чегирмалар (фунт стерлинг ҳисобида)³²

Кўрсаткичлар	Чегирма миқдори
Даромад солиги бўйича чегирмалар	
Ўз шахсий эҳтиёжлари учун чегирмалар	4194
Ўз шахсий эҳтиёжлари учун чегирмалар ва бева қолганлар учун чегирмалардан иборат эр-хотин учун чегирмалар	1900
65-74 ёшгача бўлган фуқаролар учун чегирмалар шу жумладан:	
Ўз шахсий эҳтиёжлари учун чегирмалар	5410
Эр-хотин учун чегирмалар	3305
75 ва ундан юқори бўлган ёшдаги фуқаролар учун чегирмалар шу жумладан:	
Ўз шахсий эҳтиёжлари учун чегирмалар	5600
Эр-хотин учун чегирмалар	3345
Ёшга доир гурухлар учун даромад солиғидан чегирмалар лимити	16200
Ўзи ҳақида маълумот бермайдиган фуқаролар учун шахсий чегирмалар	1330

Францияда даромад солиги бюджетнинг 20 фоизини ташкил этади. Бу давлатда ҳам солиқка тортиш тартиби прогрессив бўлиб, 0 фоиздан 56,8 фоизгача бўлган шкалада солиқка тортилади. 18 ёшга етган шахс даромад солиғига тортилади. Даромад солиги тўловчиilar Францияда 7 тоифага бўлинади:

1. Иш жойидан даромад олувчиilar
2. Ердан даромад олувчиilar(ер ва биноларни ижарага беришдан)
3. Капитал айланишидан даромад олувчиilar (дивидендлар ва фоизлар)
4. Қайта сотишдан даромад олувчиilar(бинони, қимматли қоғозларни)
5. Ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятидан даромад олувчи.
6. Тижорат билан боғлиқ бўлмаган даромад (шахснинг бошқа касб билан шуғулланиши)
7. Қишлоқ хўжалиги ишларидан даромад олувчиilar.

Францияда Марказий ҳамда маҳаллий бюджетларга тушаётган солиқлар ва йиғимларни Ягона Солиқ Хизмати (ЯСХ) бажаради, Ўзбекистонда бу вазифани Давлат Солиқ Қўмитаси амалга оширади.

Даромад солиги Францияда - бу ягона ва прогрессив солиқ ҳисобланади. Бу солиқ давлат даромадларини асосий элементи ҳисобланмайди. Бу солиқ бюджетни солиқ даромадларини таҳминан 1/5 қисмини ташкил қиласди. Жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиги прогрессив хусусиятга эга. Унинг ставкаси 0 дан 56,8%гача боради. Даромади 18140 франқдан ошмайдиган шахсларни даромадлари (ставкаси 0%) га солиқ солинмайди. Энг юқори ставка 246770 франқдан юқори бўлган даромадларга кўлланилади.

Солиқ тўловчини даромади 7 категорияга бўлинади:

1. Ёлланиб ишлайдиганларни иш ҳақиси.
2. Ер даромадлари (ер ва иморатни арендага бериш).
3. Оборот капиталидан олинадиган даромад (дивидендлар ва фоизлар).
4. Қайтадан сотишдан олинадиган даромад (иморатни, қимматбаҳо қоғозларни).
5. Акционер жамият бўлмаган корхоналарни ишлаб чиқориш ва савдо фаолиятидан олинадиган даромад.
6. Тижорат хусусиятига эга бўлмаган даромадлар (эркин касб эгаларини даромадлари).

³² С.Хакимов. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқлар.Бозор, пул ва кредит. 7-сон. 2006 йил 51-бет.

7. Қишлоқ хўжалик даромадлари.

Францияни даромад солиги Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларни даромад солигидан кескин фарқ қиласди.

Бу фарқни унинг мазмунидан аниқлаш мумкин. Солик давлат бюджетига максимал даромад тўплаш эмас, биринчи навбатда маълум ижтимоий сиёсатини амалга ошириш учун қаратилган. Шу нуқтаи назардан бу солик етарли даражада самарали ҳисобланади. Агар уни давлат бюджетидаги улуши бошқа давлатларга нисбатан паст бўлсада, унинг билвосита мамлакатни фаровонлигини кўтаришдаги роли катта.

Бу солик жуда мураккаб, ўзига хос хусусиятларга эга. Солик француз жамоаси, сиёсати ва ахолиси билан чамбарчас боғланиб кетган, шунинг учун уни унификация қилиш ҳар томонлама ўйлаб иш тутишни талаб қиласди.

9-жадвал

АҚШда фуқаролардан олинадиган даромад солигининг ставкалари³³

Соликка тортиладиган йиллик даромад суммаси, АҚШ доллари	Даромад солиги, %
1. 22000 гача	15%
2. 22000-51000	3300+22000 дан ортиқ сумманинг 28 фоизи
3. 51000-115000	12000+51000 дан ортиқ сумманинг 31 фоизи
4. 115000-250000	31000+115000 дан ортиқ сумманинг 36 фоизи
5. 250000 дан ортиқ	80000+ 250000 дан ортиқ сумманинг 40 фоизи

Маълумотлардан кўринадики, АҚШда фуқаролардан олинадиган даромад солигига нисбатан прогрессив ставкалар қўлланилмоқда. Бундай солик ставкалари фуқаролар даромадининг ўсишига боғлиқ равишда ошиб боради (-жадвал).

Ҳозирги кунда жисмоний шахслардан олинадиган соликлар обьектларини аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш, жисмоний шахслардан олинадиган соликларни ҳисоблаш ва жисмоний шахсларни соликка тортиш жараёнида бир қанча муаммоларга дуч келинмоқда. Мамлакатимизда амал қиласиган солик тизимнининг асосий белгилари мустақилликка эришилгандан сўнг шаклланди. Солик тизимида ўзгаришлар ислоҳатларнинг бориши ва ижтимоий-иктисодий вазият билан узвий боғлиқ бўлди.

Давлат томонидан жисмоний шахсларнинг даромадларини соликка тортишда солик юкини босқичма-босқич пасайтиришнинг изчил солик ислоҳатларини ўтказилиши миллий солик тизимини ҳалқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқлаштириш эҳтиёжи тақазо қилди.

Солик тизимини ислоҳ қилиш соҳасида асосий вазифа ўртага қўйилди, яъни фуқаролар зиммасидаги солик юкини солик ставкаларини пасайтириш ҳисобига изчиллик билан камайтириш.

Солик юкини камайтиришга йўналтирилган чоралар ишлаб чиқарувчи корхоналардан истеъмолчи корхоналарга ўтказиш бевосита соликлар корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг натижалари ва фуқароларнинг даромадларига таъсир кўрсатиши билан изоҳланади.

Жисмоний шахслар даромадига солик босимини камайтириш ва фуқаролар даромадини легаллаштириш мақсадида жисмоний шахслар даромадига солинадиган солик шкаласи доимо такомиллаштирилмоқда. 1998 йилда энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан ошадиган даромадга белгиланган 45%лик энг юқори солик ставкаси билан бир қаторда жисмоний шахслар даромадига солик солишнинг 5 даражали шкаласи қўлланган эди. 2000 йилда соликнинг энг юқори ставкаси 40% бўлган 4 даражали шкала жорий этилди.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган соликни ҳисоблаб чиқаришнинг 3 даражали тизимида ўтиш, энг кам иш ҳақи чегирилишини бекор қилиш ва ставкани 36 фоиздан 2001 йилда, 33 фоизга 2002 йилда камайтириш бюджет даромадлари таркибида мазкур солик салмоғининг 1,1 фоизга кўпайишига олиб келди. 2007 йилда даромад солигининг энг юқори ставкаси 25%, 2009

³³ Даромад, бюджет ва соликлар. Солик тўловчининг журнали. 4-сон. 2004 йил 21-бет.

йилда эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси 22 % миқдорида белгиланди.

2005 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг шахсий жамғарип бориладиган пенсия ҳисобварагарига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун хужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқарип ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида амалга оширилади, бу билан жисмоний шахсларга солик босими пасаяди ва иш ҳақини алоҳида оладиган фуқароларнинг даромадларинн хуфиялиқдан чиқариш, жамғармалари ошишини таъминлаш учун рағбат бўлиб хизмат қилиши керак.

Жисмоний шахслар даромад солиғини ягона ижтимоий тўловдан алоҳида қараб бўлмайди, унинг миқдори ҳам камаймоқда. Масалан, 2004 йилда мазкур меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 33%ини, 2009 йилда эса атиги 24%ини, 2010 йил 25%ни ташкил қилди. Кўпайиши корхона харажатларининг ўсишига олиб келадиган иш ҳақи тўлайдиган хўжалик юритувчи субъект ягона ижтимоий тўловни тўловчи ҳисобланади.

Ягона ижтимоий тўлов ва даромад солиғини пасайтириш қисқа муддатли даврда бюджет камомадига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, иш ҳақининг кўпайиши, яъни меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тежаш ва аҳоли харид қобилиятининг ошиши товар айланмасининг ўсишига, солик тушумларининг кўпайишига ҳам олиб келади. Бундан ташқари, иш ҳақининг кўпайиши аҳоли банкларга жамғармалар қўйишига имконият беради, бу эса тижорат банкларини капиталлаштиришга таъсир кўрсатади.

Солик юкини пасайиши натижасида бўшаган маблағлар ўз оборот маблағларини тўлдириш, инвестицияларни кўпайтириш манбаси бўлди, бу эса солик солиш базасининг кенгайишига олиб келди.

Ҳар қандай солик тизимининг муҳим қисми солик маъмурчилигидир. Солик маъмурчилиги тизимини такомиллаштириш мамлакатдаги бизнес-муҳитни давлат бюджетига зарар етказмасдан яхшилаш имконини беради.

Солик маъмурчилиги тизимида 2005 йилда юз берган ўзгаришлар мамлакатдаги бизнес-муҳитни яхшилашнинг муҳим омили бўлди. Бу йўналишда солик текширувлариини қисқартириш ва уларни ўтказишнинг аниқ тартиботини ишлаб чиқиши, солик ҳисботи тартиботини соддалаштириш ва солик тўловчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш механизmlарини кучайтириш бўйича чоралар кўрилди.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқга баҳо берилганда кўпчилик солик оғирлигини солик ставкалари билан баҳолайди. Унинг юқори ставкаси 1998 йилда 45 фоиз белгиланган бўлса, 2007 йилга келиб ($1/4$ улушга камайган ҳолда) 25 фоизни, 2009 йилда 22 фоизни ташкил қилмоқда. Ривожланган мамлакатларда эса, бу кўрсаткич ўз ички хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, турли солик ставкаларида белгиланган. (10 -жадвал)

10-жадвал

Ривожланган давлатлардаги жисмоний шахслар даромад солиги ставкалари³⁴

№	Мамлакатлар	Бошланғич ставка,%	Энг юқори ставка, %
1.	АҚШ	15,0	39,6
2.	Буюк Британия	10,0	40,0
3.	Франция	0,0	54,0
4.	Италия	18,5	45,5
5.	Канада	17,0	29,0

Жадвал кўрсаткичларини кўздан кечирадар эканмиз, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган солик ставкалари юқори эмаслигини кўришимиз мумкин.

Бозор иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда даромад солиғини ҳисоблашда кун кечириш минимумини чегириб ташлаб, қолган даромаддан солик ундирилади.

Жисмоний шахслар даромадини солиқка тортишнинг яна бир жиҳатини бу солиқка тортиладиган даромадни табақалаштириш ёки солик ставкалари ўртасидаги қадамининг қисқалиги

³⁴ Адизов.А “Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи оғирлиги ва уни белгиловчи омиллар”. “Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси” 1-2-сон 2008 йил 12-бет.

ёки энг кам иш ҳақининг беш, ўн ва ундан юқори баробари микдорида қилиб белгиланганлиги ҳамда қадам сифатида олинган микдорнинг камлиги билан изоҳлаш мумкин.

Жисмоний шахслар дармад солиги оғирлигига солик ставкалари, чегирмалар ва солик ставкалари ўртасидаги қадам тўғридан-тўғри таъсир кўрсатса, шундай омиллар борки, солик оғирлигига баҳо берганда улар кўпчилик назаридан четда қолади. Республикада шундай омиллар сирасига аҳоли таркибида меҳнат ёшида бўлмаганлар улуши, бандлик даражаси, соҳалар бўйича аҳоли бандлигини киритиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти тарққий этган мамлакатларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ҳисоблашда кун кечириш минимумини чегириб ташлаб, қолган даромаддан солик ундирилади. Мамлакатимизда амал қилиб келаётган жисмоний шахслар даромадига солинадиган солик, бир қарашда жаҳон тажрибаларига молик бўлсада, аммо ўзининг маълум хусусиятларига асосан, улардан фарқ қилувчи белгиларини келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг солиқли даромадлари ичida, мазкур солик тушуми 2006 йил кўрсаткичларига асосан 14,9 фоиз (2005 йилда 14,1 фоиз, 2004 йилда 12,8 фоиз ва 2003 йилда 13,1 фоиз)ни ташкил этади. Яъни фискаллик хусусиятига кўра 2006 йилда учинчи (2005 йилда учинчи, 2004 йилда тўртинчи ва 2003 йилда учинчи) ўринни эгаллайди. Бироқ бир қатор давлатларда жумладан, АҚШнинг федерал бюджети даромадларида унинг улуши 41 фоиз, Буюк Британияда 25,9 фоизни ташкил этиб, фискаллик хусусиятига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, айтиш мумкини, келажакда Ўзбекистон Республикасида ҳам жисмоний шахслар даромадига солиқнинг бюджетдаги салмоғи етакчи ўринларга чиқиши истиқболли режалардир. Ҳозирги кунда бунга етарлича шарт-шароитлар яратмоқда. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий муносабатларида тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланишлари учун мавжуд бўлган хукуқий имкониятларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган солик ислоҳатлари ривожланган давлатлар илғор тажрибасига асосан амалга оширилмоқда.

2010 йилгача бўлган даврда бюджетнинг стратегик устуворлиги уйғун иқтисодий ўсишни йилига 8-8,5 фоиз даражасида таъминлаш, унинг сифатини ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги хиссасини кўтаришдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун давлат сиёсатининг барча воситаларидан самарали фойдаланмоқ керак, улар орасида эса асосий роль солик-бюджет сиёсатига тегишли.

Давлат мажбуриятларининг ва ижтимоий кафолатларнинг бажарилиши нафақат бюджет маблағларининг қандай тамойилларга ва қоидаларга кўра шаклланиши ва сарфланишига, давлат молиявий ресурсларини қандай бошқаришга, балки мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларга эришига ҳам боғлиқ.

Кўрилган чоралар ва бунинг натижасида солик юкининг пасайишига қарамай, унинг даражаси худди шундай даромад даражасига эга бўлган, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларга эришган ривожланаётган давлатларга қараганда юқорилигича қолмоқда. Хитойда ниҳоятда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилган 1979-1996 йилларда солик юки 36 дан 13 фоизга камайтирилди. Факат кейингина 18 йиллик юксак иқтисодий ўсишдан кейин у 20 фоизга кўпайтирилди.

Иқтисодиётнинг янада ривожлантирилиши тўғри ва билвосита солик солиш базасини кенгайтиради ва улар улушини оширади. Бунда солик ставкаларининг пасайтирилиши имконияти пайдо бўлади. Жисмоний шахсларнинг даромад солиги ставкасини пасайтириш ва унификациялаш айниқса муҳимдир. Бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли даромадларининг ўсишига ва солик тўлашдан бўйин товлаш ҳолларининг камайишига кўмаклашади.

Солик сиёсатининг ўрта истиқболдаги асосий йўналишларини қўйидаги тарзда белгилаш мумкин:

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича солик юкин камайиши.
- Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаш механизмини янада соддалаштириш.
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш.
- Солик маъмурчилигини такомиллаштириш.

Хулоса

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш муаммосидир. Энг мақбул солиққа тортиш тизимини ишлаб чиқган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига таъсир қилиш, тадбиркорликнинг тараққий этишига ёрдам бериш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиб бориш бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳам, ундан кейин ҳам давлатнинг бош мақсади бўлиб қолаверади.

Республикамизда солиққа тортиш тизими шаклланишига жуда кўп вақт кетмаган бўлса ҳам, солиққа тортиш тизимимиз йил сайин янгиланиб, такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда бутун дунё мамлакатларида давлатнинг аниқ амал қилувчи солиққа тортиш тизими мавжудлиги унинг юксак даражада тараққий этганлигининг белгиси ҳисобланади. Шунинг учун солиққа тортиш тизимини жаҳон солиқ амалиёти даражасида шакллантириш ва ривожланган мамлакатларнинг солиқ амалиётидаги илғор тажрибаларидан солиққа тортиш тизимимизда фойдаланиш бозор муносабатларига ўтиш шарт-шароитига мослашишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий ислоҳатлар шароитида солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосини ташкил этади. Мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тўғри йўналтириш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий иқтисодий асосга таянаётганлиги жуда муҳимдир. Солиқ бюджет сиёсатининг яхлитлигига эришиш мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қиласди.

Жисмоний шахслар даромад солиқлари таҳлил қилинганда, асосий солиққа тортиладиган база, яъни иш ҳақи нуқтаи назаридан мавжуд шароит қониқарли ҳисобланади. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўйича фискал сиёсатнинг мақсади, аҳолининг ўрта ва юқори даромадли гурӯҳларини кўпайтиришдан иборат бўлиши лозим.

Солиқ тизимини бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш шароитида иқтисодий тараққий этган мамлакатларнинг жисмоний шахсларни даромадларини солиққа тортиш юзасидан илғор тажрибаларини ўрганиш ва самарали бўлган усуулларини иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тадбиқ этиш бош масала ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Ўзбекистон Республикаси солиқ тизмининг бир бўғини ҳисобланиб, амалга оширилаётган солиқ сиёсати мамлакатнинг макроиқтисодий ва микроиқтисодий кўрсаткичларига сезиларли тарзда таъсир этади.

Курс ишимизнинг ниҳоясида жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишнинг таркибий тузилиши, ҳуқуқий асослари ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш шароитида жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳамда уни ўрганиш асосида олинган асосий хулосаларни қисқача акс эттирамиз.

Улар қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг иқтисодий моҳияти ва назарий-ҳуқуқий асослари умумлаштирилди.

Иккинчидан, жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш механизмнинг амалдаги ҳолатига баҳо берилиб таҳлил қилинди.

Учинчидан, жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишнинг таркибий тузилиши ва Ўзбекистон Республикаси солиққа тортиш тизимида тутган ўрни белгилаб олинди.

Тўртинчидан, солиқ тизимини ислоҳ қилиш шароитида жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишнинг назарий-ҳуқуқий асослари ўрганилди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш шароитида жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш механизмнинг такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008 й. 40 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
- 1.3. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 29 август, 1-2 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари

- 2.1. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2005 й. ПФ-3620-сон Фармони
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4053-сон Фармони.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ноchor корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 4010-сон Фармойиши.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 4058-сон Фармони.
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Қарори." Халқ сўзи"газетаси 15.06.2005 й.
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1675-сонли Қарори (2011 йил 30 декабрь).
- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1449-сонли Қарори (2010 йил 24 декабрь).
- 2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2009 йил 22 декабрдаги 1245-сонли қарори
- 2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2008 йил 29 декабрдаги 1024-сонли қарори
- 2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги ПҚ 1717- сонли қарори. «Мустахкам оила йили давлат Дастури»
- 2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805 сонли қарори 1-иловаси. “Ёшлар йили давлат Дастури”

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа хуқуқий-меъёрий хужжатлар

- 3.1. “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2004 йил 21 декабрь.
- 3.2. “Бевосита хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 3 августдаги Қарори. // “Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси, 2005 йил 5 декабр, № 49.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

- 4.1. И.А.Каримов 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
- 4.2. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. - Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
- 4.3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 80 бет.

- 4.4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: «Ўзбекистон», 2009йил. 56 бет.
- 4.5. Каримов И.А. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш- давр талаби» -Т.: Халқ сўзи, 14 февраль, 2009 йил.
- 4.6. Каримов И.А. «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислоҳат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» -Т.:Халқ сўзи, 2008 йил., 9 февраль, № 28 (4438) 1-3 бетлар.
- 4.7. Каримов И.А. “Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир”.- “Халқ сўзи”, 13 февраль 2007 йил. 2-5 бетлар.
- 4.8. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.- Т.: “Ўзбекистон”, 2007 йил . 48 бет.
- 4.9. Каримов И.А. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлиланган тантанали мажлисдаги нутқи. – Т.: O’zbekiston ovozi, 2009 yil 2 sentabr, № 107 (30.068) 1-2 бетлар

5. Дарслклар, ўқув қўлланмалар ва мақолалар тўплами

- 5.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маъruzаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуя – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 125 бет.
- 5.2. Ваҳобов А., Жўраев А. Соликлар ва соликқа тортиш. Дарслк- Т.:Шарқ, 2009. 448 бет.
- 5.3. Alimardonov M.I., To’xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –Т.: O’zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg’armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.
- 5.4. Тухлиев Б.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т, Тўхсанов Қ.Н. Соликлар ва соликқа тортиш: Ўқув қўлланмана. – Т.: 2007. -320 б.
- 5.5. Кочергов Д.С., Устинова Е.Е. Упрощенная система налогообложения, -М.: Омега, 2006.- 317 с.
- 5.6. Завалишина И.А. Соликлар: назария ва амалиёт: Ўқув қўлланмана. –Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси нашриёт уйи, 2005. –544 б.
- 5.7. Яхёев Қ.А. Соликқа тортиш назарияси ва амалиёти: Дарслк. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
- 5.8. Юткина Г.Ф. Налоги и налогообложения. Учебник. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 509 с.
- 5.9. Митюкова Э.С. Налоговое планирование: анализ реальных схем. – М.: Эксмо, 2010. – 288 с.
- 5.10. Молчанов С.С. Налоги: расчет и оптимизация. – М.: Эксмо, 2010.–544с.
- 5.11. Пархачева М. А. Упрощенная система налогообложения. — М.: Эксмо, 2007. — 672 с.
- 5.12. Евстигнеев Е.И. Налоги и налогообложение –М: Инфра-М, 2001-5с
- 5.13. Миляков Н. В. Налоги и налогообложение- М: Инфра- М, 2000-4 с
- 5.14. Йўлдошев М, Турсунов Й. Солик ҳукуки-Тошкент: “Молия” 2000-60-бет

6. Фойдаланилган докторлик ва номзодлик диссертациялари

- 6.1. Жўраев Т. Солик сиёсатини такомиллаштириш йўлида. Халқ сўзи. 2003 йил 20 сентябрь.
- 6.2. Тошмуродова Б. Соликлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –126 б.

7. Фойдаланилган магистрлик диссертациялари ва битирув малакавий ишлари

8. Журнал ва газеталардаги мақолаларга ҳаволалар

- 8.1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида бюджет-солик сиёсатини такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.: ДСҚ Солик академияси, 2010 йил 21-22 май.
- 8.2. Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.:ТДИУ, 2007 йил 14-15- декабр.

9. Ҳисоботлар ва статистик материаллар

- 9.1. Соликлар ва божхона хабарлари» молиявий иқтисодий газетаси 2006-2012 йиллар
- 9.2. «Бозор, пул ва кредит» журнали 2006-2012 йиллар
- 9.3. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали 2006-2012 йиллар

10. Интернет сахифаларига ҳаволалар

- 10.1. <http://www.soliq.uz>
- 10.2. <http://www.nalog.ru>

